

Бу Аллоҳ таолонинг раҳматидир!



11:00 / 06.05.2021 2391

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

رَدَقَبُّهُ اِنْ قَلَّخِ عَيْشُ لُكْ اِنْ اِ

"Албатта, Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик" (Қамар сураси, 49-оят)

Томоқнинг тешиги шу қадар нозик, аниқ ўлчов билан яратилганки, агар ҳозирги ҳолатидан кўра озгина кенг бўлганида, инсоннинг овози йўқоларди. Бордию ҳозирги ҳолатидан кўра бироз тор бўлганида, нафас олиш қийин бўлган бўларди.

Қаранг, томоғимиз тешигининг бироз кенг бўлиши овозимизнинг йўқолишига, бироз тор бўлиши нафас олишнинг қийинлашишига сабаб бўлар экан.

Кўзимизнинг ҳозирги ҳолати, унинг кўриш ўткирлиги ҳам ўта аниқ ўлчов билан яратилган.

Ичмоқчи бўлган сувимизга назар солайлик. Зилол, шаффоф, чучук. Пиёлани кўтарамизу қонгунимизча ичамиз.

Агар кўзимиз ҳозирги ҳолатидан кўра биров ўткирроқ бўлганида, ҳаётимиз азобга айланарди. Чунки, биз сув ичмоқчи бўлганимизда, пиёла ичидаги сон-саноксиз тирик мавжудотлар ва фойдали бактерияларни кўриб, сувни ичолмаган бўлардик.

Агар эшитиш қобилиятимиз ҳозирги ҳолатидан кўра биров кучлироқ бўлганида, тунда ухлолмасдик. Чунки қулоғимиз орқали атрофимиздаги кўплаб овозларни, ҳатто ошқозонимизда бўлаётган ҳазм жараёнини, у бамисоли улкан корхонадек ишлаётганини эшитган бўлардик.

Лекин Аллоҳ таоло бизга муайян ўлчовдаги кўз ва кўриш қобилиятини, қулоқ ва эшитиш қобилиятини ато этиб, танамизни ва барча нарсаларни аниқ ўлчов билан яратиб қўйган. Бу эса Роббимизнинг биз бандаларига раҳматидир!

"Аллоҳнинг қудратини кўринг" саҳифасидан Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади